

دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرُ. ۞ نَجْلُ اَهْلِ

Уқба ибн Омир ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қайси бир одам жуда яхшилаб таҳорат қилса-да, қалби ва юзи ила йўналган ҳолда икки рақъат намоз ўқиса, унга албатта жаннат вожиб бўлади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

5. Истихора намози.

«Истихора» сўзи луғатда «хайрни талаб қилиш» деган маънони англатади. Муслмон киши икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганда, хайрлисини танлаш учун истихора намози ўқийди. Бу намозни ҳар бир мубоҳ ишдан олдин ўқиш мустаҳабдир.

نَاكَ يَا لِقَاءُ هُنَّ عُلُومُ لِي ضَرِّ رَبِّ اجْنَع
مَلَسَ وَسَوْ هِيَ لَعْلَعُ لِي لِي لَصَّ يَبْنَلَا
رُومُ اَلَا يِي فَا رَاخَتْ سَا لِي اَنُ مَلَعُ ي
نَمَ رُوسُ لِي اَنُ مَلَعُ ي اَمَّ كَا اَوْلُ كَا
مُكُ دَحَا مَه اِذَا لِي لُوقِي، نَا رُقُ لِي
نَمَ نِي تَعَا كَرُ عَا كَرِي لِي فَا رَمُ اَلَا بَا
مُ هَلُ لِي لِي لُقِي لِي لِي مَث، هَا ضَرِي رَفُ لِي لِي رِي غَا
كَا مَلَعَا بَا كُرِي خَتْ سَا يِي نَا

نَمَ كُ لَ أَسَ أَوْ ، كِتَ رَذُقَ بَ كُ رَذُقَ تَسَ أَوْ
رَذُقَ تَ كُنَ إِفَ ، مِ يَ طَ عَ لَ ا كِ لَ ضَ فَ
تَنَ أَوْ ، مَ لَ عَ أَ لَ وُ مَ لَ عَ تَ وُ ، رَذُقَ أَ لَ وُ
تَنُ كُ نَ إِمُّ هَ لَ لَ ا ، بَ وُ يُّ عَ لَ ا مَ أَ لَ عَ
يَ فَ يَ لَ رُ يَ خَ رَ مَ أَ لَ ا آذَهَ نَ أَ مَ لَ عَ تَ
وَ أَ - يَ رَ مَ أَ ةَ بَ قَ آعَ وُ ، يَ شَ آعَ مَ وُ ، يَ نَ يَ دَ
هُ رَذُقَ آفَ ، هِ لَ جَ آَ وُ يَ رَ مَ أَ لَ جَ آعَ - : لَ آقَ
يَ لَ كِ رَ آبَ مُ ثَ ، يَ لَ هُ رَ سَ يَ وُ ، يَ لَ
رَ مَ أَ لَ ا آذَهَ نَ أَ مَ لَ عَ تَ تَنُ كُ نَ إَ وُ ، هِ يَ فَ
يَ شَ آعَ Mَ وُ ، يَ نَ يَ Dَ يَ Fَ يَ Lَ رَ شَ
لَ جَ آعَ يَ Fَ - : لَ آقَ وُ أَ - يَ Rَ Mَ أَ ةَ Bَ Qَ آعَ وُ
يَ نَ عَ هُ Fَ Rَ Vَ آفَ ، هِ Lَ Jَ آَ وُ يَ Rَ Mَ أَ
رَ يَ خَ لَ ا يَ Lَ رَذُقَ آَ وُ ، هُ نَ عَ يَ Nَ Fَ Rَ Vَ آَ وُ
: لَ آقَ . يَ Nَ ضَ رَ آَ Mُ ثَ ، نَ آَ Kُ ثَ يَ حَ
آَ لَ إَ ةَ Sَ Mَ خَ Lَ ا هَ آَ وُ . هَ Tَ Jَ آَ حَ Yَ Mَ Sَ Yَ وُ

АМЪН СЪМ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот:

«Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан илминг ила истихора қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сендан улуғ фазлингдан сўрайман. Албатта, Сен қодир бўлурсан, мен қодир бўлмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ўта яхши билувчи Зотсан. Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, тирикчилигимда ва ишим оқибатида (ёки ҳозирги ишимдаю келгусида) яхши эканлигини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, тирикчилигимда ва ишим оқибатида (ёки ҳозирги ишимдаю келгусида) ёмон эканлигини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшилиқни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ таоло ихтиёр қиладиган нарсани кутиб юради. Кейин кўнглига тушиб, ўзига маъқул бўлиб, қилгиси келиб қолса, шу ишни қилади. Бу ҳақда туш кўриши ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга бўлмай туриб қолса, истихора намозини яна қайтадан ўқийди. Қайта ўқиш етти мартагача бўлади.

Истихора намозининг биринчи ракъатида Фотиҳа сурасидан кейин Каафирун сурасини, иккинчи ракъатда Ихлос сурасини ўқийди.

6. Тасбеҳлар намози.

أَمْ هُنَّ عُلَّالٌ لَا يَضُرُّهُنَّ سَابِعٌ نُبَا نَع
هَيْلَعٌ هَلَلٌ أَيْ لَصِ هَلَلٌ لَوْ سَرُّنَا
ذَبَعٌ نُبٍ سَابِعٌ لَلَّاقٌ مَلَّسٌ وَ
الْأُ هَامَعٌ أَيْ سَابِعٌ أَيْ بِلَطْمٍ لَأ
الْأُ كُؤُبْحٌ أَلَا كُحَنْمٌ أَلَا كَيْ طُعُأ
تَنْأٌ إِذَا بِلَاصِخٍ رَشَعٌ كَبُّ لَعْفٌ أ
كَبُّنٌ ذَكَلٌ هَلَلٌ رَفَعٌ كَلَّ ذَتُّ لَعْفٌ
هَأَطِخٌ هَثِي دَحٌ وَ هَمِي دَقٌ هَرِخٌ أَوْ هَلَّوَأ
هَرَسٌ هَرِي بَكٌ وَ هَرِي عَصٌ هَدْمَعٌ وَ
نَأٌ بِلَاصِخٍ رَشَعٌ هَتِي نَالَعٌ وَ
يَفُ أُرُقَاتٍ تَاعَكَّرَعٌ بَرَأٌ يَلَّصُت
هَرُوسٌ وَ بَاتِكُلٌ أَعْحَاتٌ أَعْفَكَّرٌ لُك
لَّوَأٌ يَفِي هَارِقُلٌ نَمَتُّ عَرَفٌ إِذَا ف
نَاخُبُسٌ تَلُقُ مِيَأَقٌ تَنْأٌ أَوْ عَكَّر
الْأُ هَلَا أَلَوٌ هَلَلٌ دَمَحَلٌ أَوْ هَلَلٌ

عَنَسُ لُكِّي فَفَلَعَفَتْ مَلْنِإِفِ
كِرْمُعِي فَفَلَعَفَتْ مَلْنِإِفِ، ءَرْمِ
تَنْكُ وَوَلَكْنِإِفِ: ءِي أَوْرِي فَو. ءَرْمِ
كَل رَفُعْ أَبْنَذِ ضِرْأَلِ لِهْ أَمْظِعْ أ
يِ ذِمْرْتَلِ أَوْ دُوَادِ وَبَأْ هَاوْرِ. كَلِ ذِبِ
كُبُونُ ذَنْتَنْكَ وَوَلَفِ: هُتَرَابِ عَو
كَلِ هَلْ لِهْ أَرْفَعَلِ جَلِ عِلْمِ رَلِ ثِمِ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аббос ибн
Абдулмуттолибга:

«Эй Аббос! Эй амаки! Сенга ато берайми? Сенга марҳамат қилайми? Сенга лутф кўрсатайми? Сени ўнта хислатли қилиб қўяйми? Қачон сен ўшаларни қилсанг, Аллоҳ сенинг гуноҳингни - аввалгисию охиргисини, қадимгисию янгисини, хатосию қасдданини, кичигию каттасини, сиринию ошкорини мағфират қилади. Ўша ўн хислат: тўрт ракъат намоз ўқимоғинг. Ҳар ракъатда «Фотиҳатул Китоб»ни ва бир сура ўқийсан. Биринчи ракъатда қироатдан фориф бўлганингда турган ҳолингда: «Субҳаналлоҳ валҳамду лиллааҳ ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар», деб ўн беш марта айтасан. Сўнг рукуъ қиласан ва рукуъда турган ҳолингда уларни ўн марта айтасан. Сўнгра бошингни рукуъдан кўтариб, уларни ўн марта айтасан. Кейин саждага йиқиласан ва уларни сажда қилган ҳолингда ўн марта айтасан. Сўнг бошингни саждадан кўтариб, уларни ўн марта айтасан. Кейин сажда қилиб, яна ўн марта айтасан. Сўнг бошингни кўтариб (ўтириб), уларни ўн марта айтасан. Ана ўша бир ракъатда етмиш бештадир. Буни тўрт ракъатда ҳам қиласан. Агар бу намозни ҳар куни ўқий олсанг, шуни қил. Агар қила олмасанг, ҳар жумада

бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар ойда бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар йили бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, умрингда бир марта», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Агар сен ер аҳлининг энг катта гуноҳкори бўлсанг ҳам, албатта у ила сенга мағфират қилинур», деган жумла зиёда қилинган.

Абу Довуд ривоят қилган.

Термизийнинг иборасида:

«Агар гуноҳларинг қумтепа мислича бўлса ҳам, Аллоҳ уларни сендан мағфират қилади», дейилган.

Ушбу ҳадисни Абу Довуд ва Термизийдан бошқа – Ибн Можа, Байҳақий, Ибн Хузайма, Ҳоқим, Ибн Ҳиббон, Ибн Муборак, Табароний, ал-Хатиб, ал-Ожурий, Абу Саъид ас-Самъаний, Абу Мусо ал-Мананий ва имом Бухорий («Жузул Қуръон»да) ривоят қилишган.

Ибн Абу Сайф ал-Яманий «Ал Ламъа фий рағойиби явмил жума» китобида Термизийнинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Тасбеҳлар намозини жума куни завол пайтида ўқиш мустаҳабдир. Биринчи ракъатда Фотиҳадан кейин Такаасурни ўқийди, иккинчисида «Вал Аср»ни, учинчисида Каафирунни, тўртинчисида Ихлосни», деб туриб, охирида ўқиладиган қўшимча дуони ҳам келтирган.

Абу Усмон ал Хайрий аз-Зоҳид:

«Қийинчиликлар ва ғам-ғуссалар учун тасбеҳлар намозидан яхши нарса кўрмадим», деган.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.